

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

БОЗОРОВ АЛИШЕР РЎЗИМУРОДОВИЧ

РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИНИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР
ОРҚАЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2022 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation the abstract of doctor of Philosophy (PhD) on
economical sciences**

Бозоров Алишер Рўзимуродович

Реал сектор корхоналарини қимматли қоғозлар орқали молиялаштириш
механизмини такомиллаштириш.....3

Бозоров Алишер Ружимуродович

Совершенствование механизма финансирования через ценные бумаги
компаний в реальном секторе25

Bozorov Alisher Ruzimurodovich

Improving the financing mechanism through securities of companies in the real
sector.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works52

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

БОЗОРОВ АЛИШЕР РЎЗИМУРОДОВИЧ

РЕАЛ СЕКТОР КОРХОНАЛАРИНИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР
ОРҚАЛИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2022 йил

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
№ В2017.3.PHD/Iqt332 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-
саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шарифходжаев Усман Улфатович
иқтисодиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Жумаев Нодир Хосиятович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Мухамедов Фарход Турсунбаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи
DSc 03/30.12.2019.117.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «25» 02 кунини
соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси,
60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.)

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин
264 рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри Амир Темур кўчаси, 60-А
уй. тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-11-48, e-mail: admin@tfi.uz.)

Диссертация автореферати 2022 йил «12» 02 кунини тарқатилади.
(2022 йил «12» 02 даги 12- рақамли реестр баённомаси)



Ғ.З.Тешабасв

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор

Ф.К.Холмаматов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари
доктори (PhD), доцент

И.Н.Кўзиёв

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон бозорда рақобатнинг кучайиши реал сектор корхоналари томонидан инновацияларга бўлган эҳтиёжнинг ортиб боришига олиб келмоқда. Реал сектор корхоналарида инновацион янгиланишларга ҳамда модернизацияга бўлган эҳтиёж унинг қимматли қоғозлар бозорида ҳам фаол иштирок этишига тақозо этади. Қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш, жумладан фонд биржалари ҳамда инвестицион фондларнинг фаолиятини халқаро стандартларга мослаштириш, қимматли қоғозлар орқали реал сектор корхоналарини молиялаштириш механизмининг иқтисодий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш реал сектор корхоналарининг фаолияти ривожланишида ҳамда рақобатбардошлигининг ортишида муҳим омиллардан ҳисобланади. Жаҳон фонд биржалар федерацияси (WFE)нинг маълумотларига кўра «2021 йил бошида Америкада 17 та, Осиё-Тинч океани давлатларида 22 та, Европа-Ўрта Шарқ-Африка мамлакатларида 51 та фонд биржалари бўлиб, уларнинг йиллик капитализацияси 2020 йил якунлари бўйича 110 392 900,8 млн. долларни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 19 фоизга ошган. Фонд биржаларда қимматли қоғозлари билан қатнашаётган компаниялар сони эса 2019 йилда 58 113 тани ташкил этган, 2020 йилга келиб 55 316 тага ёки 4,8 фоизга камайган»¹. Шу жиҳатлардан ҳам ушбу мавзуни кенг тадқиқ этиш мамлакатда қимматли қоғозлар бозори ҳамда улар орқали молиялаштириладиган реал сектор корхоналарининг ривожланишида долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва зарур ҳолатларда қулай молиялаштириш манбаларини топиш бўйича доимий илмий изланишлар ва тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илмий изланишлар ва тадқиқотлар доирасида корхоналарнинг, айниқса реал сектор корхоналари турли замонавий ва йўқотишлар rischi паст бўлган молиялаштириш воситаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўрганишлар натижасида нафақат ривожланаётган мамлакатлар балки ривожланган мамлакатларда ҳам реал сектор корхоналарини молиялаштиришнинг оптимал воситалари бўйича илмий, назарий ва амалий ечимини топмаган муаммолар мавжуд. Аксарият муаммолар пандемия даврида янада ўз таъсирини кўрсатди. Эмитентлар ва биржалар веб-сайтларида барча инвесторлар учун зарур ва қулай бўлган маълумотларни осон топиш имконияти, қимматли қоғозлар эмиссия босқичлари, корхоналарнинг жозибдорлигини ошириш воситалари ва уларга таъсир қилувчи омиллар етарлича очиб берилмаган. Шу боис, реал сектор корхоналарини қимматли қоғозлар орқали молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиёти тажрибасида реал сектор корхоналарини молиялаштириш асосан давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилганлиги,

¹<https://www.world-exchanges.org/> Жаҳон фонд биржалар федерацияси расмий сайти маълумотлари

молиявий манбаларни жалб қилишнинг замонавий воситаларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги, қимматли қоғозлар иштирокининг ўрни юқори эмаслиги, молия бозорида капитал айланиши сустлиги, халқаро молия бозорларидан тўғридан-тўғри манбаларни жалб қилиш амалиётининг камлиги, ривожланган мамлакатлардан фарқли равишда эмиссия босқичларининг мураккаблиги каби қатор муаммолар мавжуд. «2021 йилга келиб 2019 йилнинг сентябр ҳолатига нисбатан корхоналар сонида саноат тармоғи 37,4 фоизга камайган. Умумий сонда 2019 йил сентябр ҳолатига нисбатан 2021 йил январ ҳолатига корхоналар сони 148 тага ёки 17,4 фоизга камайган»². «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» давлат корхонасининг 2021 йилнинг 9 ойлик фаолияти натижаларига кўра жами 603 та акциядорлик жамиятидан 239 тасида давлат улуши 120 740,1 млрд. сўмни ташкил этмоқда»³. Республикамиз иқтисодиёти ўсишини таъминлаш, рақобатбардошликни янада ошириш, инвестицияларни реал секторга йўналтириш каби ислохотлари амалга оширилаётган даврда иқтисодиётда давлат иштирокини янада камайтириш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва унда соғлом рақобат муҳитини яратиш иқтисодиётнинг барча секторлари, айниқса реал сектор ва қимматли қоғозлар бозорининг барқарор ривожланишига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 12 сентябрдаги ЎРҚ-375-сонли «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелда ПФ-6207-сонли Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сонли «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислох қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелда 358-сонли «Фонд биржасида акцияларнинг бирламчи ва иккиламчи оммавий таклифларини ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштиришга қаратилган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу мавзунинг кенг

²<https://www.cbu.uz/> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари

³<http://www.deponet.uz/> Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси расмий сайти маълумотлари

камровлилигини ҳисобга олиб, биз мавзуни ўрганган олимлар ва уларнинг илмий ишларини таҳлил қилдик. Қимматли қоғозлар бозорини тадқиқ қилган хорижий олимлардан Андреас Энгертабк, Ларс Хорну, Девид Кронин, Питер Г.Данн, Ҳадие Аслана, Правин Кумар⁴ ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари ўрганилди. Реал сектор корхоналарининг фаолиятини тадқиқ этган олимлар сифатида Анвар Гумерова, Андрей Саркин, Борис Аверьянов, Свирина Анна, Багаутдинова Наиля, Гафуров Ильшат⁵ каби муаллифларнинг илмий тадқиқотларини ўрганилди.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Ш.Ш.Шоҳаъзамий, М.Б.Хамидулин, С.Э.Элмирзаев, Ф.Т.Мухамедов, Қ.Р.Чинқулов, Х.Х.Худойқулов⁶ ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида қимматли қоғозлар бозори ва унда қатнашувчиларининг фаолиятлари кенг ўрганилган.

Аммо, реал сектор корхоналарини қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришнинг механизми самарали ва тўла тадқиқ этилган илмий ишлар салмоғининг мамлакатимизда юқори эмаслиги ушбу мавзуни кенг тадқиқ қилиш эҳтиёжини келтириб чиқаради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасининг «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» стратегик тадқиқотлар мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади реал сектор корхоналарини қимматли қоғозлар орқали молиялаштириш механизмининг такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

инновацион иқтисодиёт шароитида реал сектор корхоналарини молиялаштиришнинг илмий-назарий жиҳатларини ўрганиш;

реал сектор корхоналарини молиялаштиришда қимматли қоғозларнинг роли ва қўлланиш хусусиятларини ўрганиш;

⁴Andreas Engertabc, Lars Hornu. Market standards in financial contracting: The Euro's effect on debt securities// Journal of International Money and Finance//Volume 85, July 2018, Pages 145-162., David Cronin, Peter G.Dunne. How effective are sovereign bond-backed securities as a spillover prevention device?// Journal of International Money and Finance// Volume 96, September 2019, Pages 49-66., Hadiye Aslana, Praveen Kumar. The real effects of forced sales of corporate bonds// Journal of Monetary Economics//Volume 95, May 2018, Pages 1-17.

⁵Anvar Gumerova, Andrey Sarkin, Boris Averyanov. Elaboration of Enterprise Development Strategy in Real Sector of Economy Using Quality Management Tools// Procedia Economics and Finance//Volume 15, 2014, Pages 687-694., Svirina Anna, Bagautdinova Nailya, Gafurov Ilshat. Interrelation of Real Economy Sector Enterprises with University in Contemporary University Development// Procedia - Social and Behavioral Sciences//Volume 191, 2 June 2015, Pages 1377-1382

⁶ Шоҳаъзамий Ш. Ш. Методологические основы и приоритеты стратегического развития рынка ценных бумаг в Узбекистане. 08.00.07- «Финансы, денежное обращение и кредит». Автореферат. Т.:2011., Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления: Автореф. Дисс. ... и.ф.д. – Тошкент, 2008. – 10 б., С.Э.Элмирзаев ва бошқалар. Молия бозори. Дарслик, 18 бет, Тошкент 2019 йил, 3-б., Мухамедов Ф.Т. «Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори савдо тизимларини ривожлантириш йўналишлари». ИФД (DSc) дар. ол. уч. ёз. Дисс. Автореф., 2019 й- 26-б., Чинқулов Қ.Р. Акциядорлик жамиятларини корпоратив қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришни такомиллаштириш. И.ф. б. ф. д. (PhD) дар. ол. уч. ёз. дисс. автореф. -Т.: ТМИ, 2019. – 18 б., Худойқулов Х.Х. «Акциядорлик жамиятларининг капитал қийматини баҳолашнинг методологик асосларини такомиллаштириш». И.Ф.Д. (DSc) дар. ол. уч. ёз. Дис.автореф. –Т.: ТДИУ, 2021.

реал сектор корхоналарини қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришнинг илғор хориж тажрибаларини ўрганиш;

қимматли қоғозлар эмиссияси босқичлари ва ташкил этилиш ҳолатини таҳлил қилиш;

акцияларни жойлаштириш орқали реал сектор корхоналарини молиялаштириш амалиёти таҳлил қилиш;

корпоратив облигациялар жойлаштириш орқали реал сектор корхоналарини молиялаштиришнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;

реал сектор ва қимматли қоғозлар бозорини ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлантириш йўналишларини тадқиқ этиш;

реал сектор корхоналарини қимматли қоғозлар орқали молиялаштириш механизминини такомиллаштириш масалаларига қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда фаолият юритаётган реал сектор корхоналари фаолиятини қимматли қоғозлар орқали молиялаштириш механизми олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида мамлакатимизда фаолият юритаётган реал сектор корхоналарини қимматли қоғозлар орқали молиялаштириш жараёнларидаги молиявий муносабатлар мажмуи олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида гуруҳлаш, дедукция, қиёсий таққослаш, кузатув, назарий ва амалий ўрганиш, статистик таҳлил, истиқболли прогнозлаштириш ва омилли таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қимматли қоғозлар бозори регулятор ва савдо ташкилотчилари томонидан барча инвесторлар учун қулай бўлган эмитентлар акциялар турлари, имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган ҳолда тўланадиган дивидендлар, муомаладаги облигациялар ва уларнинг фоизлари тўлов миқдорлари ва муддатларини ўз ичига олувчи очиқ маълумотлар мажмуини яратиш таклиф этилган;

давлат улушига эга бўлган корхоналарни маҳаллий фонд биржасида оммавий таклиф қилиш орқали хусусийлаштиришни рағбатлантиришда акцияларни IPO (Initial Public Offering) ёки SPO (Secondary public offering) усулида жойлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмаслиги асосланган;

реал сектор корхоналари томонидан корпоратив облигацияларни ёпик обуна тартибида жойлаштиришга қўйиладиган талабларни соддалаштириш мақсадида таъминланганлик талабини бекор қилиш таклиф этилган;

реал сектор корхоналари акцияларини дастлаб миллий фонд биржасида, сўнгра хорижий фонд бозорларида очиқ жойлаштиришдан олдин андеррайтер ва консалтинг ташкилотларининг акцияларни жойлаштириш нархи, ҳажми, бозорга чиқиш вақти ва листинг жойи бўйича хулосаларини олиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

истикболда эмитентлар, хусусан реал сектор корхоналари ахборот очиклиги асосида инвестицион жозибадорлигини оширишга хизмат қилиши асосланган;

реал сектор корхоналари томонидан қўшимча акциялар ёки бошқа қимматли қоғозлар эмиссияси ҳисобига молиялаштириш ҳажмини ошириш ҳамда давлат улушини оммавий жойлаштиришлар ҳисобига камайитириш зарурлиги очиб берилган;

акцияларни очик жойлаштиришдан олдин андеррайтер ва консалтинг ташкилотларининг акцияларни жойлаштириш нархи, ҳажми, вақти ва жойи бўйича хулосаларини олиш эмиссия муваффақиятини таъминлаши асосланган;

қимматли қоғозлар бозорида иштирок этувчилар ўртасида рақобатни ошириш ва қимматли қоғозларнинг капиталлашувини кўпайишишига олиб келади;

ривожланган мамлакатларда муваффақиятли тажрибадан ўтган замонавий воситаларни қўллаш орқали маҳаллий ва хорижий, юридик ва жисмоний шахс ҳисобланган инвесторларнинг молия бозорида даромад олишларига ишонч ва қулайлик яратиш зарурлиги илгари сурилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари, Марказий банк маълумотлари, «Тошкент» Республика фонд биржаси, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳамда реал сектор корхоналарининг ҳисобот манбаларидан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистондаги реал сектор корхоналарини қимматли қоғозлар орқали молиялаштириш механизмини такомиллаштиришга, шунингдек, реал сектор корхоналарининг қимматли қоғозлар бозоридаги иштирокини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва амалий тавсиялардан реал сектор корхоналарининг фаолиятида қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ва уларнинг фонд бозоридаги фаолияти бўйича ишлаб чиқилган дастурий ҳужжатларда ҳамда қимматли қоғозлар бозорини самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланилганлиги билан белгиланади. Шу билан бирга, Ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар давлат органлари, реал сектор корхоналари томонидан фойдаланилган. Тадқиқот ишининг назарий, услубий ва таҳлилий асослари олий таълим муассасалари бакалавр ва магистратура талабалари учун «Молия бозори», «Корпоратив молия», «Молиявий менежмент» каби фанлардан маърузалар тайёрлаш ва ўқитишда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Реал сектор корхоналарини қимматли қоғозлар орқали молиялаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қимматли қоғозлар бозори регулятор ва савдо ташкилотчилари томонидан барча инвесторлар учун қулай бўлган эмитентлар, акциялар турлари, имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган ҳолда тўланадиган дивидендлар, муомаладаги облигациялар ва уларнинг фоизлари тўлов миқдорлари ва муддатларини ўз ичига олувчи маълумотлар базасини яратиш кераклиги таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги «Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-6207 сонли Фармони билан тасдиқланган «2021-2022 йилларда капитал бозорини ривожлантириш Дастурини амалга ошириш бўйича йўл харитаси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2021 йил 21 июндаги 06/06-04-01-32/1554-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф эмитентлар, хусусан, реал сектор корхоналари ахборот очиклиги асосида инвестицион жозибадорлигини оширишга хизмат қилган;

давлат улушига эга бўлган корхоналарни маҳаллий фонд биржасида оммавий таклиф қилиш орқали хусусийлаштиришни рағбатлантиришда акцияларни IPO ёки SPO усулида жойлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмаслиги бўйича таклифи асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги «Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-6207-сонли Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2021 йил 21 июндаги 06/06-04-01-32/1554-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф эмитентлар, хусусан, реал сектор корхоналари томонидан қўшимча акциялар эмиссияси ҳисобига молиялаштириш ҳажмини ошириш ҳамда давлат улушини оммавий жойлаштиришлар ҳисобига камайтириш имконини берган;

реал сектор корхоналари томонидан корпоратив облигацияларни ёпиқ обуна тартибида жойлаштиришга қўйиладиган талабларни соддалаштириш мақсадида таъминланганлик талабини бекор қилиш таклифи. Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги «Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-6207 сонли Фармони билан тасдиқланган «2021-2022 йилларда капитал бозорини ривожлантириш Дастурини амалга ошириш бўйича йўл харитаси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2021 йил 21 июндаги 06/06-04-01-32/1554-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ёпиқ жойлаштириш олдиндан белгиланган шахслар ўртасида амалга оширилиши асосида таъминланганлик талабининг бекор қилиниши реал сектор корхоналарида молиялаштиришни диверсификациялаш имконини берган;

реал сектор корхоналари акцияларини дастлаб миллий фонд биржасида, сўнгра хорижий фонд бозорларида очик жойлаштиришдан олдин андеррайтер ва консалтинг ташкилотларининг акцияларни жойлаштириш нархи, ҳажми, бозорга чиқиш вақти ва листинг жойи бўйича хулосаларини

олиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги «Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-6207-сонли Фармонида ўз аксини топган ҳамда 2023 йил 1 январдан бошлаб мазкур тартиб жорий этилиши белгиланди (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2021 йил 21 июндаги 06/06-04-01-32/1554-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф очик жойлаштиришдан олдин андеррайтер ва консалтинг ташкилотларининг акцияларни жойлаштириш нархи, ҳажми, вақти ва жойи бўйича хулосаларини олиш эмиссия муваффақиятини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та, жумладан 3 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, шундан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 122 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, миллий иқтисодиёт ривожланишининг устувор йўналишларига монандлиги аниқланган. Шунингдек, киришда тадқиқот ишининг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар сони ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Инновацион иқтисодиёт шароитида реал сектор корхоналарини молиялаштиришнинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида иқтисодиётнинг реал сектор корхоналарини молиялаштиришнинг илмий-назарий жиҳатлари, реал сектор корхоналарини молиялаштиришда қимматли қоғозларнинг роли ва қўлланиш хусусиятлари, реал сектор корхоналарини қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришнинг илғор хориж тажрибалари атрофлича тадқиқ қилинган ва тегишли хулосалар шакллантирилган.

Иқтисодиёт реал сектори - молиявий хизматлар кўрсатадиган корхоналардан ташқари моддий ва номоддий ишлаб чиқариш тармоқларини ўзида акс эттирган йирик тузилма ҳисобланиб, энергетика саноати, транспорт саноати, нефт ва газ саноати, логистика саноати, металлургия, тиббиёт, фармацевтика, тоғ-кончилик саноати, ишлаб чиқариш, инфорацион технологиялар, туризм ва қишлоқ хўжалиги каби тармоқларни қамраб олади.

Сўнгги йилларда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)да реал сектор тармоғининг улуши ортиб бормоқда. ЯИМнинг ўртача ҳисобда 75 фоизи реал сектор тармоқларига тўғри келади, жумладан, иқтисодиётдаги саноат соҳаси 24,8 фоизни, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳалари эса 23 фоизни ташкил этмоқда. ЯИМда реал сектор тармоқларининг катта ўрин эгаллаши, бу секторни ўрни муҳимлигини, молиялаштириш манбаларини кўпайтириш кераклигини асослайди⁷.


Корхоналарни ички ва ташқи манбалар асосида молиялаштиришнинг услублари мавжуд. Ўрганишларимиз натижасига кўра корпоратив тузилмаларда ўз фаолиятини молиялаштиришнинг асосий ички манбалари соф фойда, амортизация ажратмалари, фойдаланилмаётган активларни сотиш, активларни ижарага бериш ва бошқалар.

Ташқи манбалар сифатида эса банк кредити, қимматли қоғоз чиқариш (акция, облигация), давлат бюджетидан субсидиялар, инвестицион фондлар ва бошқалар⁸.

Қуйидаги 1-расмда эмитентлар томонидан қимматли қоғозларни муомалага чиқариш ва қимматли қоғозларнинг бозоридаги фаолияти бўйича босқичларга бўлиб чиқилди.

⁷ <https://www.stat.uz/> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг расмий сайти

⁸ Муаллиф томонидан тузилган



1-расм. Қимматли қоғозларнинг айланиш жараёни⁹

1-расмдан кўринадикки, қимматли қоғозларнинг даврийлиги тўрт босқичда давом этиб, бу босқичлар қимматли қоғозларнинг турига қараб ҳар хил кўринишда бўлади. Масалан акция бўйича унинг эмиссияси, дастлабки жойлаштириш, бозордаги муомалада бўлиши ва акциядорлик жамияти (АЖ)нинг фаолияти даврига ёки акциядорларнинг овоз бериши натижасига боғлиқ ҳолатлар бўйича сўндирилиш даврларни ўз ичига олади.

Яқин вақтгача корпоратив молияда банк тизимининг устунлиги билан ажралиб турадиган Япония, Германия ва континентал Европанинг аксарият мамлакатлари, бир неча йирик акциядорлар, шу жумладан етакчи банклар, қимматли қоғозлар ҳамда улушларнинг катта қисмини ўзларида жамлаганлар. Масалан, Германияда ҳанузгача 89 фоиз акциядорлик жамиятларининг камида битта акциядори бор, 25 фоиз акцияларни назорат қилади, бундан ташқари, агар компания самарасиз бўлса, мумкин бўлган қўшилиш ва сотиб олиш бўйича музокараларни мураккаблаштиради. Шу билан бирга, Япониядаги молиявий институтлар барча акцияларнинг 73 фоизини, Германияда - 64 фоизни (банклар - мос равишда 19 ва 10 фоиз) назорат қилиб туришди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра қимматли қоғозларнинг эмиссия қилиш жараёнлари 7 та босқични¹⁰, Россия Федерациясида эмиссия жараёнлари 5 та босқични¹¹ ўз ичига олади. Бу ҳолатда ривожланган мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш ва қимматли қоғозларнинг эмиссия босқичларини максимал имкониятда рақамли технологиялар асосида йўлга қўйишни талаб этади.

Диссертациянинг «**Реал сектор корхоналарини қимматли қоғозлар орқали молиялаштиришнинг амалдаги ҳолати таҳлили**» деб номланган **иккинчи бобда** қимматли қоғозлар эмиссияси босқичлари ва ташкил этилиш ҳолати, акцияларни жойлаштириш орқали реал сектор корхоналарини молиялаштириш амалиёти таҳлили, корпоратив облигациялар жойлаштириш орқали реал сектор корхоналарини молиялаштиришнинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган.


Акциялар акциядорлик жамиятлари ҳисобланган реал сектор корхоналари учун ҳам асосий молиялаштириш манбасидир. Бу борада корпоратив бошқарув тизимини чуқур ислоҳ қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720 сонли

⁹ Муаллиф томонидан тузилган

¹⁰<https://www.lex.uz/> Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси сайти

¹¹ <https://www.lawbook.online> Электрон кутубхона (Россия Федерацияси)

«Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»¹²ги Фармонидан келиб чиқиб акциядорлик жамиятларининг фаолияти такомиллаштирилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720 сонли Фармонига кўра фаолият кўрсатаётган 364 та акциядорлик жамияти ночор ва тугатилиши ёки бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга айлантирилиши лозим деб, топилган. Шу боисдан эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлардан бири бу Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларининг сондаги ўзгаришлар бўлиб, ўзгаришлар қуйидагича (2-расм).



2-расм. Акциядорлик жамиятлари сонининг ўзгариши (сонда)¹³

Юқоридаги жадвалга биноан акциядорлик жамиятлари сони 2016 йил ҳолатига нисбатан 2021 йилнинг 1 ноябр ҳолатига 659 тадан 603 тага ёки 10 фоиз га камайган. Шунингдек, жами 603 тадан 240 таси ёки 39,8 фоизи давлат улушига эга АЖлар ҳисобланади. Ушбу ўзгаришларнинг ижобий жиҳатлари сифатида, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилиш, фонд бозорида даромадлиги юқори бўлган қимматли қоғозлар савдоларини ташкил этиш, фаолияти қониқарли бўлмаётган АЖлари фаолиятини такомиллаштириш, молиялаштириш манбаларини кўпайтириш, келажакда ишсизликни олдини олиш, моддий-техник таъминотни яхшилаш, эски бўлинма ва лавозимларни тугатиш, бошқарув ходимлари фаолиятини қайта кўриб чиқиш, тажрибали ходимларнинг фаолиятини ташкил этиш ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720 сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»¹⁴ги Фармонидан келиб чиқиб АЖларини сони камайтирилгани натижасида фонд

¹² <https://www.lex.uz/> Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси сайти

¹³ <http://www.deponet.uz/> Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

¹⁴ <https://www.lex.uz/> Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси сайти

бозорида муомалага чиқарилган акцияларнинг умумий ҳажмидаги ўзгаришлар эса қуйидагича (3-расм).



3-расм. Акциядорлик жамиятлари томонидан эмиссия қилинган акцияларнинг умумий ҳажми динамикаси (млрд. сўм)¹⁵.

3-расмдан кўринадики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720 сонли Фармонида келиб чиқиб АЖларининг сони камайганлиги билан, АЖлари томонидан муомалага чиқарилаётган акциялар ҳажмида ижобий ўзгаришларни кўриш мумкин, жумладан сўнгги 5 йил ва 2021 йилнинг йилнинг 1 ноябрь ҳолатида акцияларнинг ҳажми кўпайиб келмоқда. 2016-2021 йиллар давомида ўзидан олдинги йилга нисбатан ўртача 39 фоизга акцияларнинг сўмдаги умумий ҳажми ортган, айниқса 2020 ва 2021 йилнинг октябр оyi ҳисоби бўйича олдинги йилларга нисбатан ўртача 55 фоизга ортганлигини кўриш мумкин. Айнан шу ўрганилган даврда жами 147 525,2 млрд. сўм миқдоридagi эмиссия қилинган акциялар ҳажмининг 82,2 фоизи ёки 121 240 млрд. сўми давлат улуши ҳисобланади.

Жаҳон тажрибасига кўра фонд бозорларида қимматли қоғозларнинг бир қанча турлари бўлиб, асосан акция билан бирга облигация тури ҳам кенг қўлланилиб келинмоқда. Мамлакатимизда ҳам маҳаллий ёки анъавий шакл ва кўринишларда қимматли қоғозларнинг бир қанча кўринишлари мавжуд бўлиб, уларнинг номланиши ва қўлланилиши билан фарқ қилиши мумкин.

Сўнгги йилларда республикаимиз амалиётида қимматли қоғозларнинг корпоратив облигация тури, акциялардан кейинги ўринда фаол муомалада бўлиб келмоқда. Эмитент томонидан облигацияларни чиқариш (агар эмитентнинг уставида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса), кузатув кенгаши қарорига мувофиқ амалга оширилади. Корпоратив облигациялар эмиссияси бўйича сўнгги йиллардаги динамикаси қуйидагича (1-жадвал).

¹⁵ <http://www.deponet.uz/> Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

1-жадвал

2016-2020 йилларда эмиссия қилинган корпоратив облигациялар¹⁶

№	Даврлар	Корпоратив облигациялар умумий сони (млрд. сўм)	Корпоратив облигациялар умумий миқдори (млн. дона)
1.	2016 йил	0,61	228,56
2.	2017 йил	0,55	251,27
3.	2018 йил	0,50	198,06
4.	2019 йил	0,79	488,06
5.	2020 йил	0,47	281,24
6.	01.11.2021 йил	0,35	733,30

1-жадвалда акциядорлик жамиятлари томонидан муомалага чиқарилган корпоратив облигациялар кескин камайиб борган, яъни, 2016 йил июль ҳолатига нисбатан 2021 йил июль ҳолатига бориб 42,6 фоизга камайган, бироқ корпоратив облигацияларнинг номинал қийматига нисбатан ҳисобга олганда умумий миқдори ошганлиги эътиборни тортади, яъни, 2016 йил июль ҳолатига нисбатан 2021 йил июль ҳолатига бориб 320,8 фоизга кўпайганлигини кўришимиз мумкин.

Сўнгги йилларда акциядорлик жамиятлари томонидан корпоратив облигациялар амалиётда асосан иқтисодиётнинг молиявий секторида қўлланилиб келинмоқда. Навбатдаги жадвалдан Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида ҳисоби юритилаётган корпоратив облигациялар куйидагича:

2-жадвал

Корпоратив облигацияларни эмитентлар томонидан чиқарилиш ҳажми ва сони тўғрисидаги маълумот¹⁷ (01.11.2021 ҳолатига)

№	Эмитентлар	Чиқарилишлар ҳажми (млрд.сўм)	Облигациялар сони (млн.дона)
1	Банклар	305,18	0,26
2.	Бошқа эмитентлар	428,13	0,096
2.1	Ўзвотсаноат АЖ	50	0,05
2.2	«FIRST DEVELOPING GROUP» MCHJ	5,13	0,005
2.3	«UZREPORT» Axborot agentligi MCHJ	30	0,001
2.4	«IMKON FINANS» mikroredit tashkiloti АЖ	4	0,004
2.5	«MIND ASIA» MCHJ	126	0,013
2.6	«CHUST RIR MIKROKREDIT TASHKILOT» MCHJ	2	0,002
2.7	«AKFA MEDLINE» MCHJ	211	0,021
	Жами	733,3	0,356

2-жадвал маълумотлардан кўришиб турибдики корпоратив облигациялар бўйича умумий ҳажмининг 41,6 фоизи, жами сонининг эса, 73,03 фоизи банклар ҳисобига тўғри келмоқда. Корпоратив облигациялар эмиссияси умумий ҳажмининг 11,6 фоизи, жами сонининг эса 15,73 фоизи реал

¹⁶ <http://www.deponet.uz/> Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

¹⁷ <http://www.deponet.uz/> Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

секторнинг иштирокчиси сифатида «Ўзавтосаноат» АЖ, «FIRST DEVELOPING GROUP» МЧЖ, «UZREPORT» МЧЖларига тўғри келмоқда.

Реал сектор корхоналари қимматли қоғозлар муомаласи учун очиқлик муҳим ҳисобланади. Шу боисдан қимматли қоғозлар савдо ташкилотчилари, регулятор веб-сайтларида барча инвесторлар учун қулай бўлган эмитентлар, акциялар турлари, имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган ҳолда тўланадиган дивидендлар, муомаладаги облигациялар ва уларнинг фоизлари тўлов миқдорлари ва муддатларини ўз ичига оловчи маълумотлар эълон қилиб борилиши лозим. Бунда мисол учун Ўзавтосаноат АЖнинг корпоратив облигациялари мисолида қуйидагича маълумотлар эълон қилиниши лозим, деб ҳисоблаймиз.

3-жадвал

Эмитентни корпоратив облигациялар эълони бўйича маълумотлар¹⁸

Эмитент	Облигация тури	Эълон шакли	Номинал қиймати	Жами облигациялар сони	Умумий қиймати	Даромадлиқ даражаси	Даврийлиги	Сўндирилиш муддати
Ўзавтосаноат АЖ	Корпоратив обл.лар	Ёпик	1 млн.	50 000	50 млн.	9%	3 ой	1825

Мазкур тартибда облигация эмиссияси ҳақида маълумотнинг қўйилиши инвесторга қулай таҳлил ва осон қарор қабул қилиш имконини беради. Шунингдек, ташқи инвесторларга ҳам қулай бўлишини ҳисобга олган ҳолда хорижий тилларда эълон қилиниши лозим.

Ўз навбатида қиммати қоғозларнинг яна кенг тарқалган туридан акциялар бўйича 4-жадвалда Кварц акциядорлик жамияти ва Олмалик КМК мисолида кўриб чиқамиз.

4-жадвал

Эмитентни акциялар эмиссияси бўйича маълумотлар¹⁹

Эмитент	Акция тури	Номинал қиймати	Акциялар сони	Умумий қиймати	Даромадлиқ даражаси	Даврийлиги
Кварц АЖ	Оддий	1715	23 963 940	50 000 000 000	Молиявий натижа асосида	АУЙ қарори асосида
Олмалик КМК	Имтиёзли	3914	2 249 558	8 804 770 012	25 фоиз	Йилда бир марта

Жадвалда келтирилган тартибда маълумотларни қимматли қоғозлар савдо ташкилотчилари ҳисобланган биржалар веб-сайтларида эълон қилиниши инвесторлар учун асосий зарур маълумотларни олиш имконини беради. Кварц АЖда оддий акциялар эмиссияси бўйича, Олмалик КМКнинг имтиёзли акциялар эмиссияси бўйича маълумотлар киритилган. Шу билан бирга, акциялар эмиссияси бўйича маълумотларни бошқа тилларда келтирилиши ташқи инвесторларни жалб этишда жозибадорликни оширишга хизмат қилади.

¹⁸<http://www.uzavtosanoat.uz/> Ўзавтосаноат АЖ расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

¹⁹ Кварц АЖ ва Олмалик КМК АЖ ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган

2020 йилнинг биринчи ярим йиллигига қадар «Кварц» акциядорлик жамияти томонидан 9 марта акциялар муомалага чиқарилган бўлиб, қуйидаги жадвалда сўнгги 5 йил давомида «Кварц» акциядорлик жамияти томонидан чиқарилган акцияларнинг миқдори келтирилган. Шу кунга қадар жамият томонидан имтиёзли акциялар ва корпоратив облигациялар муомалага чиқарилмаган.

5-жадвал

2015-2019 йилларда «Кварц» акциядорлик жамияти томонидан чиқарилган акциялар²⁰

№	Акция тури	Акция чиқарилган сана	Акция сони (дона)	Акциянинг номинал қиймати (сўм)	Умумий чиқарилган акциялар ҳажми (сўм)
1.	Оддий	2015 йил август	23 963 940	1 715	41 098 157 100
2.	Оддий	2017 йил июнь	21 785 400	1 715	37 361 391 000
3.	Оддий	2017 йил сентябр	4 574 934	1 715	7 846 011 810
4.	Оддий	2019 йил июнь	48 244 609	1 715	82 705 204 435

5-жадвалга биноан «Кварц» акциядорлик жамиятининг устав капитали миқдори 82705204435 сўмни ташкил этиб, жами овоз берувчилар сони 96 449 218 донани ташкил этади. 2015 йилда қабул қилинган қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорга кўра, номинал қиймати 1715 сўм бўлган 23 963 940 дона оддий акциялар муомалага чиқарилган ҳамда умумий чиқарилиш ҳажми номинал қийматга нисбатан 41 098 157 100 (41 миллиард 98 миллион 157 минг 100) сўмни ташкил этган.

Қимматли қоғозлар орқали реал сектор корхоналарини молиялаштиришда хусусийлаштириш амалиётлари ҳам муҳим аҳамият касб этади, бунда Давлат улушига эга бўлган корхоналарни маҳаллий фонд биржасида оммавий таклиф орқали хусусийлаштиришни рағбатлантириш мақсадида оммавий савдолар орқали акцияларни IPO ёки SPO усулида жойлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмаслигини мақсадга мувофиқ. Мазкур жиҳат эмитентлар, хусусан реал сектор корхоналари томонидан қўшимча акциялар эмиссияси ҳисобига молиялаштириш ҳажмини ошириш ҳамда давлат улушини оммавий жойлаштиришлар ҳисобига камайтириш имконини беради. Бу борада акциялар чиқарилиши жойлашган деб топиш тартибини ўзгартириш талаб этилади.

6 жадвал

Акциялар чиқарилишини амалга ошган, деб топиш тартиби²¹


Т/р	Жойлаштириш шакли	Амалдаги таклиф
1	Ёпиқ хусусий шаклда жойлаштириш	Ёпиқ обуна бўйича камида 60 % жойлаштирилганда амалга ошган деб эътироф этилади
2	Очиқ обуна бўйича оммавий жойлаштириш	Очиқ обуна бўлганда камида 30 % жойлаштирилганда амалга ошган, деб топилади

²⁰<https://www.kvarts.uz/> «Кварц» АЖ расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

²¹<https://www.lex.uz/> Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

